

## КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТДАН ЎРГАНИЛИШИ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Алмарданова Саломат Бобоназаровна

Термиз давлат университети

Психология кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11530048>

**Аннотация.** Мақолада талабалар касбий шаклланиши психологик муаммо сифатида талқин этилган бўлиб, унда талабалар касбий шаклланиши омиллари, талабаларнинг касбий шаклланишига тўсқинлик қилувчи омиллар ва уларни бартараф этиши йўллари баён этилган.

**Калим сўзлар:** шахс, талаба, касб, касбий қизиқишлар, касбий шаклланиши.

## ABOUT THE SIGNIFICANCE OF STUDYING VOCATIONAL TRAINING FROM A PSYCHOLOGICAL POINT OF VIEW

**Annotation.** In the article, the professional development of students is interpreted as a psychological problem, which describes the factors of professional development of students, factors that impede the professional development of students, and ways to overcome them

**Key words:** personality, student, profession, professional interests, professional development.

## О ЗНАЧИМОСТИ ИЗУЧЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ С ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ТОЧКИ ЗРЕНИЯ

**Аннотация.** В статье профессиональное становление студентов трактуется как психологическая проблема, в которой описаны факторы профессионального становления студентов, факторы, препятствующие профессиональному становлению студентов, и пути их преодоления.

**Ключевые слова:** личность, студент, профессия, профессиональные интересы, профессиональное становление.

---

Кадрлар салоҳияти мамлакатнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак мутахассисларнинг касбий шаклланиши ва уларнинг камолотини таъминлаш жамият олдидаги энг асосий муаммолардан бири саналади. Дарҳақиқат, талабаларнинг касбга муносабати, мутахассис сифатида шаклланиши ва касбий камолоти масаласи жуда муҳим ижтимоий, иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, бевосита унинг илмий, маънавий, моддий салоҳиятини белгилайди.

Шарқ мутафаккирлари таълимотида ўғил ва қизларга таълим ва тарбия бериш, уларга касб-хунар ўргатиш ғояси муҳим ўрин эгаллайди. Миллий анъаналаримизга биноан хунарманд ва касб, меъмор ва наққош, деҳқон ва чорвадор, тўқувчи ва нонвой устоз-шогирд муносабатларини амалга ошириб келмоқдалар. Доно ҳалқимиз «Устозидан ўзмаган шогирд – шогирд эмас», «Хунарли киши асло хор бўлмас», «Устоз отангдек улуғ», «Таълим берган устозингдан айрилма» сингари мақолларни ижод этганлар ва фарзандларининг баркамол бўлиб улғайишини орзу қилганлар.

Буюк қомусий олим Абу Наср Фаробий касб-хунар тўғрисида илк фикрларини билдириб, қимматли маслаҳатлар берган, чунончи, таълим – сўз ва кўникмалар мажмуи, тарбия эса амалий малакалардан иборат иш – ҳаракат эканлигини, муайян касб-хунарга берилган, у билан қизиққан кишилар шу касб-хунарнинг чинакам шайдоси бўлишини айтган. Бу мулоҳазалардан англашилиб турибдики, касб-хунар инсоният учун азалдан жуда зарур ҳаётий восита бўлиб келган. Мутафаккирнинг меҳнатсеварлик тарбияси борасидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, у ҳар бир болани бирор хунарга ўргатмоқ шарт, дейди. Ёш йигит бирор хунарни ўрганса, уни ҳаётга татбиқ эта олса ва мустақил хунар туфайли оилани таъминлайдиган бўлсагина, отаси уни уйлантириб қўймоғи лозим, деб ҳисоблайди. Ўспирин хунар эгаллаши билан унда нафақат ахлоқий ҳислар, балки характернинг иродавий хислатлари ҳам таркиб топа бошлайди. Касб-хунар эгаллаш орқали ўспиринларда сабр – бардошлик, чидамлилик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, тadbиркорлик, зукколик каби инсоний сифатлар шаклланади.

XV асрда фақат Эронда эмас, балки Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам ижтимоий-фалсафий, маърифий фикр тараққиётига катта ҳисса қўшган олимлардан бири Жалолоддин Давонийдир. Давонийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийларнинг ижтимоий фикрлари билан кўп жиҳатдан туташ келади. Улар дунёқарашининг мағзини комил инсон тарбиялаш учун юксак инсоний фазилатларни таркиб топтириш ташкил этади. Энг машҳур ва йирик асарларидан бири «Ахлоқи Жалолоий»да ҳам инсон камолоти учун энг зарур бўлган ахлоқий фазилатлар йўллари ва усуллари баён этилади. Давоний ўз асарида инсонни ижтимоий мавжудот сифатида қарайди, инсон фақат жамиятда, кишилар орасида, улар билан муносабатда шаклланади, деган фикрни илгари суради. У ўтмиш олимларининг таълим-тарбияга оид асарларидаги анъаналарни ривожлантирган ҳолда ўз қарашларини ўткир руҳшунос олим сифатида ҳам талқин этади, унинг фикрича бола яхши фазилатларни таълим-тарбия натижасида эгаллаши мумкин. Чунки, болада ҳис-туйғу жуда эрта шакллана боради, у улғая борган сари айрим жузъий нарсаларни ҳам ажрата бошлайди, тана аъзолари мустаҳкамланади, нарса ва

ходисаларни бир-биридан ажрата бошлайди, яхшилик ва ёмонлик тўғрисида тасаввурга эга бўла бошлайди, ақли тўлишиб, онги ўсади, дейди олим. Ана шу пайдо бўлган сезги ва ақл орқали ташқи дунёни билиши мумкин дейди. Бола ўта таъсирчан ва тақлидчан бўлишини таъкидлар экан, олим яхши фазилатни ҳам, ёмон фазилатни ҳам у тезда қабул қилавериши мумкинлигини алоҳида уқтириб ўтади. Бола қалбини нақш солинадиган, суратларни осонликча тушириш мумкин бўлган тахтага ўхшатади.

Давоний болаларнинг ақлий қобилиятини ривожлантириш билан касб-хунар ўргатиш ҳақида ҳам қимматли фикрларни билдирган. Давоний муаллимнинг болаларни қайси касбга қизиқиши, қобилиятини яхши билиши зарурлиги ҳақида гапириб, бола қизиқиб бирор хунар ёки илм билан шуғулланса, унга ҳар қандай шароитда ҳам имконият яратиб бериш керак, деб уқтиради. Албатта, ҳамма касбларни эгаллаб бўлмайди, аммо ҳар бир одамнинг бирор касбга қобилияти бўлади, дейди олим. Бирор касбни эгаллаб олишга интилан киши бутун истеъдодини сарф этиб, ана шу касбни тезда ўрганиб олади. Бундай фикрни буюк мутафаккир Форобий ҳам ўз вақитда таъкидлаб ўтган эди. Агар у ёки бу шахснинг муайян касб-хунарга иштиёқи бўлмаса, уни мажбур қилиш мумкин эмас, акс ҳолда у ўзини қийнайди ва бу касб-хунар унга бахт-саодат келтирмайди дейди. Давоний инсонга фойда келтирадиган касб-хунарни учга бўлади: буни кишиларнинг рухий қувватига боғлаб кўрсатиб, биринчисини инсон ақлига тегишли, деб кўрсатади ва бунга вазирлик касбини киритади. Иккинчиси таълим-тарбия натижасида вужудга келади, деб бунга астрономия, математика, тибббийёт, геометрия фанлари билан шуғулланишни киритади. Учинчисига кишиларнинг шижоати, жасурлиги билан боғлиқ касбларни, яъни душманга қарши кураш, чегарани қўриқлаш ва бошқаларни киритади. Олим касби бўлмаган, бирор касб билан шуғулланмайдиган кишиларни қаттиқ танқид қилади. Отасининг мол-мулкига ишониб касб-хунар эгалламйдиган ёшларни қоралайди. Меҳнат қилиш, хунар эгаллашни тарғиб қилар экан, меҳнат инсон камолоти ва бахт-саодати манбаи, деб ҳисоблайди. Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Давоний касб-хунар эгаллаш инсоний фазилатларнинг энг муҳими, деб талқин этади. У касб-хунар эгаларини қуйидаги тоифаларга бўлиб: чунончи, биринчи тоифага қалам аҳллари: олимлар, ноиблар, мунажжимлар, қозилар, муҳандислар, мусулмон қонуншунослари ва ҳоказо; иккинчи тоифага: ҳарбийлар; учинчи тоифага эса деҳқонлар, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчиларни киритади [7].

Таълим тизимида талабаларни касбга йўналтириш, касбий ташхис, уларнинг мутахассис сифатида шаклланиши ва касбий камолоти масалалари доимо жамиятнинг

диққат марказида бўлса-да, аммо шахснинг ўз келажагини ўзи ўйлаб кўриши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда талабаларнинг касбий шаклланишига тўсиқ бўлувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мутахассисларга қўйиладиган касбий ва шахсий талабларнинг давр нуқтаи назаридан ўсиб бораётганлиги;
- касб танлашга сабаб бўлувчи омилларнинг даврий хусусиятга эгаллиги ва касблар тўғрисидаги ижтимоий идеалларда ягона меъёрнинг мавжуд эмаслиги;
- ўспирин касбий тасаввурларининг ижтимоий-иқтисодий шарт- шароитларга, бозор муносабатларига ҳамоҳанг ўзгараётганлиги ҳамда касб- ҳунар ва тегишли мутахассислик йўналишлари ўртасидаги тафовутнинг кескин ортаётганлиги;
- ёшларнинг мутахассислик йўналишларини танлашларида аниқ тасаввурга, мақсадга, фаолият йўналишига, истиқбол режаларини белгилаш қобилиятига эга эмаслиги ва бошқалардир.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олиб талабалар касбий шаклланиши, касбий фаолият муаммоларини тадқиқ этишни долзарб ва кенг қамровли психологик - педагогик масала сифатида баҳолаш мумкин. Маълумки, ҳар бир шахс фаровонликда ва яхши таъминланган шароитда яшашни истайди. Шу сабабли ҳам инсонлар фаровон турмушни таъминлашга хизмат қилувчи меҳнат фаолияти билан шуғулланишга интиладилар ва моддий бойликларни ўзлаштиришга имкон яратувчи касб-ҳунар соҳалари ҳамда мутахассисликларни эгаллашга ҳаракат қиладилар. Баъзи ҳолатларда маълум бир касбни танлаш ва уни эгаллашда шахснинг имконияти етарли бўлмайди. Инсоннинг қизиқишларига ва психологик имкониятларига тўғри келмайдиган касбнинг танланиши, табиийки, унинг шахс сифатида камол топишига салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан шахснинг ички интилиши ва имкониятларига танланган касб билан шахс орасидаги муносабати масаласи ўта долзарб масала ҳисобланади. Талабаларнинг касбий шаклланишида бунини албатта эътиборга олиш муҳим.

Шахснинг ички интилиши ва имкониятларига танланган касб билан шахс орасидаги муносабати масала бўйича Т.В.Кудрявцев шахснинг касбий шаклланиши тўрт асосий босқичга ажратади. Уларга қуйидагилар киритилган: а) касбий интилишларнинг шаклланиши; б) касбий таълим; в) касбий мослашиш; г) шахснинг касбий фаолиятга қисман ва тўлиқ ўзини ўзи бағишлаши [6]. Мазкур босқичларга мос ҳолда касбий ўзини ўзи аниқлаш жараёни ҳам содир бўлади. Касбий ўзини ўзи аниқлаш жараёни психологик

адабиётларда етарли даражада чуқур ёритилган бўлиб, психологлар айниқса, касбий интилишнинг шаклланишига, касб танлаш босқичларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий – иқтисодий ислохотлар аҳолидан юксак маданиятни, ўз касбининг моҳир устаси бўлишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан касбий фаолиятнинг икки хил жиҳати: психологик ва педагогик жиҳатлари фарқланади.

Касбий фаолиятнинг психологик жиҳатлари ходимларнинг келажакда ўз бурч ва мажбуриятларини самарали бажаришлари учун уларга зарур бўлган психологик – педагогик тамойиллар, категориялар, тушунчаларни сингдириш ҳамда касб маданияти ва этикаси талабларига мувофиқ хатти-ҳаракатларини изоҳлаш, хизмат вазифаларини тўғри бажаришга ўргатиш, ўз касбига меҳр – муҳаббат, инсонга ҳурмат билан қарашни тарбиялашда намоён бўлади [2].

Талабалар касбий шаклланишида касбий фаолиятнинг педагогик жиҳатларига талабалар ҳулқидаги мавжуд ахлоқий – сиёсий хусусиятларда акс этиб, ахлоқий тамойиллар ва меъёрларнинг шахс онгида қандай ҳосил бўлиши билан белгиланади.

Талабалар касбий ахлоқининг шаклланишида атрофдаги турли ҳулқ – атвордаги кишилар, шахсий тажриба, муайян типлар тўғрисидаги ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган маълумотлар катта аҳамиятга эга [2,3].

Талабаларнинг касбий шаклланишида шунингдек, касбий ўз-ўзини аниқлашнинг қуйидаги бешта босқичининг амалга ошиши муҳимдир:

1. Касбни илк танлаш босқичи. Бу босқичда бола касблар олами ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлади, лекин ўз ички имкониятлари тўғрисида кам билади, унинг касбий интилиши ҳали суст даражада бўлади. Бу босқич кичик мактаб ёшига тааллуқли бўлиб, унда касбнинг мазмуни ва иш шароитлари ҳақида болада саволлар туғилмайди.

2. Касбий жиҳатдан ўз-ўзини аниқлаш босқичи катта мактаб ёшига тўғри келади (15-17 ёшлар). Бу босқичда илк касбий интилишлар пайдо бўлади ва ривожланади ҳамда меҳнатнинг турли хил соҳалари ичидан ўзига маъқулини танлаш жараёни кузатилади.

3. Касбий таълим босқичида танланган касбни ўзлаштириш жараёни содир бўлади.

4. Касбий мослашиш босқичи касбий фаолият индивидуал услубининг пайдо бўлиши ҳамда кишининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар тизимига боғланиши билан тавсифланади.

5. Меҳнатда ўзини кўрсатиш босқичи (қисман ёки бутунлай) касбий меҳнатга тааллуқли бўлган талаблар (кутилмалар)нинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги билан боғлиқ ҳолда кечади [6].

Талабалар томонидан тўғри танланган касб, бир томондан, шахснинг ички имкониятларига мос тушади ва унинг инсоний бахти ҳамда камолотини белгилайди, иккинчи томондан эса яхши касб эгасининг самарали меҳнати таъсирида жамият ривожига жадаллашади.

Талабалар касбий шаклланишида шунингдек, билимларни эгаллашга нисбатан ички эҳтиёжнинг мавжудлиги, касбий қизиқиш, масъулият ҳисси алоҳида аҳамиятга эга.

Шу тўғрисида талабаларда барқарор билишга қизиқишни шакллантириш олий таълимда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган муаммодир. Талабалардаги барқарор билишга қизиқишлар кўзгатувчи туртки (куч) сифатида ўқув мотивларини вужудга келтиради, фаолият муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади. Талабаларда билимларнинг муайян соҳасига, у ёки бу фаолият турига қизиқишнинг туғилиши кўп жиҳатдан касбий шаклланиш имкониятини белгилайди. Ана шу боисдан ўқитувчи ўз ўқув фанига нисбатан талабаларда қизиқишни ўстириш тарафдори бўлиши шарт, чунки худди шунинг негизида ўқув материали ва ўқув дастурини юксак даражада ўзлаштириш муаммоси ётади.

Албатта талабаларда билишга қизиқиш мотив доирасида ўсади, ўзаро таъсир этади, улар билан узвий боғланиб кетади. Талабалар ўқув фаолиятининг ижтимоий мотивлари уларнинг бошқа одамлар билан муомалага кириш эҳтиёжи билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни баҳолаш, қувватлаш, тенгдошлар жамоасида муайян жой эгаллаш сингари талабаларда ўз аксини топади. Мазкур мотивлар ўқув фаолиятининг моҳияти билан боғлиқ бўлмай, балки унга ёндош ёрдамчи омилларни билдиради ва ушбу мотивлар талаба ўқишига жиддий туртки вазифасини бажаради.

Ижтимоий мотивлар бевосита жамоа бурчи, қариндошлар ва яқин кишилар олдидаги бурч, ўқишни умуминсоний маданият, қадрият, маънавиятни эгаллаш тасавури билан боғлиқ восита, ушбу восита одамларга фойдали шахс тариқасида намоён бўлиш, ўз имкониятини руёбга чиқариш, эзгу ниятини ушалишга интилиш функциясини бажариши мумкин. Туртки, ундовчи усул вазифасини бажарувчи кўзгатувчи ёш хусусиятлари даврига қараб у ёки бу даражада акс этади, аммо улар ҳар доим ҳам англашилган шаклга эга эмас, шунинг учун ифодаланиш даражаси паст.

Ижтимоий мотивлар талабаларнинг шахсий интилишлари билан ҳам алоқадор бўлиб, уларда ўқишга нисбатан қизиқиш йўқ бўлса-да, лекин барча топшириқларни юксак даражада бажаради, чунки ўқитувчи уларни «аъло» баҳолаши, курс пешқадами қилиб тайинлаши, ҳеч қандай шубҳа билан қарамаслиги эҳтимол ўқув жараёни бундай хусусиятли одамларга шахсий муваффақият ёки ютуққа эришишнинг, нуфуз (обру - эътибор)нинг,

яловбардорликнинг бирдан – бир йўли деб тасаввур қилинади. Талабанинг бундай йўлни танлаши баъзан виждонга хилоф хатти – ҳаракатларга олиб боради ва шахсни шаклланиш жараёнига салбий таъсир этади. Шу боисдан ижтимоий деб қабул қилинган мотивлар жамоа эҳтиёжини қамраб олади, гоҳо улар шахсиятпарастлик, тор савияли шахс хусусиятини мужассамлаштиради.

Педагоглар машғулотлар давомида ўқув фаолиятининг зарур мотивациясини шакллантирса, уларнинг мавжуд эҳтиёжларига таяниб иш тутса, талабада билишга қизиқиш барқарорлашади. Шунинг учун қизиқиш, мотив, мотивация шахснинг хатти – ҳаракати ички регуляцияси функциясини бажариб, эҳтиёжни қондириш, хоҳиш – истак, эзгу ният, орзу тилакни амалиётда руёбга чиқаришнинг бош омили бўлиб ҳисобланади.

Мотив ва мотивация талабаларда фақат билимларни ўзлаштириш, ўқув кўникмалари ва малакаларни эгаллаш билан чекланиб қолмасдан, балки шахснинг хулқ - атвори, яъни шахсга оид хусусиятларининг намоён бўлишини ҳам изоҳлашга хизмат қилади.

Психологик жиҳатдан ҳар қандай фаолият муайян мотивлар таъсирида вужудга келади ва етарли шарт – шароитлар яратилгандагина амалга ошади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўзлаштириш, эгаллаш ва ўрганишни амалга оширишни таъминлаш учун талабаларда ўқув мотивлари мавжуд бўлиши шарт. Билиш мотивлари шахснинг (субъектнинг) гносеологик мақсад сари, яъни билиш мақсадини қарор топтиришга, билим ва кўникмаларни эгаллашга йўналтирилади.

Талабалар касбий шаклланишини юксалтиришда уларда касбий номувофиқлигининг олдини олиш ва уларни муносиблашувини таъминлашга ёрдам берувчи ҳолат “Мутахассисликка кириш курслари” ва унда машғулотларни профессиографик жадвал бўйича ташкил этиш масаласидир. Дастлабки курсда талабалар томонидан касбий билимларни ўзлаштира олмаслик, касбнинг мазмунини ва моҳиятини тушунмаслик уларда танлаган касбига муносабатининг салбийлашишига олиб келади.

Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Ўқув материалларини, умуман таълимни ҳаёт билан боғлаш.
- Маълумотларни ўзлаштиришда шахсий фаолликни шакллантириш.
- Ўтган босқичдаги фаолиятдан қониқиш ва келгуси фаолият учун ижобий замин ҳозирлаш.
- Истиқбол режани мувофиқлаштириш ва курснинг юқорилашувига қараб бунни такомиллаштириб бориш.

- Ўқув-методик қийинчилик билан шахсий номурасасизлик белгилари ўртасидаги узвийликни йўқотиш.
- Касбий фаолият ҳаётнинг муҳим қисми бўлиб, ишдаги муваффақиятлар ўзига ишонишга ёрдам беришлигини инобатга олиш.

## REFERENCES

1. Қодиров Б.Р., Қодиров И.Б. “Касбий ташхис методикалари тўплами” Тошкент, 2003 й.
2. Ғозиев Э.Ғ., Мамедов К.К. “Касб психологияси” Тошкент 2003 й.
3. Кондаков И.М. “Диагностика профессиональных установок подростков” 1997 г.
4. А.Ф. Кудряшова «Лучшие психологические тесты для профотбора и профориентатора» Москва, 1992 г.
5. Е.А.Климов «Как выбрать профессию», Москва 1990 г.1
6. Пряжников, Н.С. Мотивация трудовой деятельности: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений/ Н.С. Пряжников.- М.: изд. центр «Академия», 2008,- 368с
7. Надмиддинова Г.Н. Ибрагимов М.Б. Педагогика тарихи фанини ўрганиш бўйича маърузалар матни,2013 й
8. Технология личности/ Л.Д.Столяренко, С.Н.Самыгин. - Ростов Н/Д: Феникс, 2009.- 575с.